

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 33 (14,136) 17 АВГУСТ, ПАЙШАНБА 2023 йил

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



vtto.uz



vtto_uz@mail.ru



[@Toshkent_oqshomi](https://www.instagram.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent oqshomi](https://www.facebook.com/Toshkent_oqshomi)



[Toshkent Oqshomi_24](https://www.telegram.com/Toshkent_Oqshomi_24)



*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов
1966—1982 йилларда «Тошкент оқшоми» газетасида
самарали фаолият олиб борган.*

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЎЗБЕКИСТОН УЧУН



Содиқ САФОЕВ,

**Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори:**

– Бугун биз муҳокама қилаётган ҳужжат – халқимиз, Ватанимиз ҳаёти, бугунги кун, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган дастурдир. Ислохотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилди. Лекин биз ҳозир мураккаброқ ўзгаришларнинг бўсағасида турибмиз. Уларни амалга ошириш учун албатта янги ҳуқуқий замин керак. Шу сабабдан янгиланган Бош Қомусимизни қабул қилдик. Иккинчидан, халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб қилган йирик сиёсий ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига мuddатидан илгари сайловларнинг бўлиб ўтиши ҳам кун тартибидagi масалага узвий равишда боғланган. Иқтисодиётда иқтисодий цикллар назарияси мавжуд. Унга кўра, давлатлар қанчалик буюк бўлса, ундаги цикллар узокроқ бўлади. Ҳозирги пайтда биз муҳим цикллардан бирига очилаямиз. Бизнинг олдимизда турган асосий масала ҳужжатни амалга оширишнинг асосий механизмларини белгилаб олишдан иборатдир. Янгиланган Конституция каби бу стратегиянинг ҳам ижодкори халқимиздир. Шу сабабдан амалдаги механизмлар халқчил ишлаб чиқиши зарур.

Мамлакатимизда келгуси 7 йилда ривожланишнинг асосларини белгилаб берувчи “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегиянинг мазмун-моҳиятини аҳолига, жумладан, ёшларга етказиш ҳамда сиёсий муҳокама жараёнларига кенг жалб қилиш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содиқ Сафоев, “Тараққиёт стратегияси” маркази бўлими бошлиғи Фаррух Ҳақимов, Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилнозаҳон Каттаханова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар Парламенти раиси Шаҳноза Жолдасова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар Парламенти раиси ўринбосари, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri Отабек Собитовлар маърузачи сифатида иштирок этишди.



Дилнозаҳон КАТТАХАНОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари:

– “Ўзбекистон – 2030” стратегияси давлатнинг асосий ривожланиш векторини белгилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади ва бу ҳужжатни ёшларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Нега деганда, аҳолининг 54 фоизини ёшлар ташкил қилади. Бу ҳужжат уларнинг келажагини белгилувчи, хоҳиш-истакларини ўзида акс эттирувчи ҳужжат бўлиши керак. Ёшлар ишлари агентлиги шу ҳужжат асосида қабул қилинадиган келгусидаги қонуности ҳужжатларини ҳам ёшларнинг фаол иштирокида қабул қилиниши ва ижро этиш жараёнларидаги аралашувининг тарафдори. Шу сабабдан муҳокама тадбирларига Ёшлар Парламенти вакиллари, фаол ёшлар учун ташкил этилган ёшлар клублари аъзоларини жалб қилганмиз. Яъни ёшларнинг ўзлари ижро жараёнларида ҳам жамоатчилик назоратини ўрнатишсин, ҳам қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этишсин. Сабаби, бугунимиз ва эртаимизни бугунги кундаги ҳаракатимиз билан белгилаймиз.



Фаррух ҲАКИМОВ,

“Тараққиёт стратегияси” маркази бўлими бошлиғи:

– Қайд этиш жоизки, бугунги ислохотларимизда асосий биз эътибор беришимиз керак бўладиган жиҳат, ислохотларнинг инсон қадрини учун йўналтирилганлигидир. Шунинг учун ҳам янги стратегиянинг устувор йўналишлари айнан инсон қадрини улуғлаш, аҳоли яшаш шароитини яхшилашга қаратилган.

Маълумот учун, аҳолининг сиёсий муҳокама жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари лойиҳалари жорий йилнинг 31 июлидан бошлаб regulation.gov.uz ва 2030.strategy.uz порталларида кенг жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг мақсадлари ва самарадорлик кўрсаткичлари осон қабул қилиш ва тушуниш учун қулай шаклда ифодаланган бўлиб, унда 5 та йўналиш бўйича 100 та мақсад назарда тутилган.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА

ТОШКЕНТНИНГ ЭКОЛОГИК САЛОҲИЯТИ ЯКИН ЙИЛЛАРДА...

Жорий йилнинг 26 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳри 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармонда мамлакатимиз пойтахтини кўплаб соҳалар билан бир қаторда экологик салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Тошкент шаҳрида иқлим ўзгаришига мос кўчат етиштириш, парваришlash ва суғориш бўйича илғор илмий ва технологик ечимларни ўзида қамраб олган замонавий сервис тизимини йўлга қўйиш, шаҳар бўйлаб ҳар йили камида 1 млн. дона манзарали, мевали дарахт кўчатларини экиш, ҳар бир маҳаллада мингтадан дарахт кўчатларини экиш, “тематик” боғлар барпо қилиш, сайилгоҳлар ва хиёбонлар ташкил этиш каби бир неча чора-тадбирлар фармонда ўз аксини топган.

Хўш, бугунга қадар Тошкент шаҳрида йилига неча туп кўчат экилаётган эди, қайси ҳудудлар кўкаламзорлаштиришга муҳтож? Фармон ижросидан сўнг пойтахтимиз яшиллик даражаси неча фоизга ортиши мумкин?

Шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси биохилма-хилликни асраш кадастрини юритиш ва рақамлаштириш бўлими бошлиғи Отабек ҚОСИМОВ билан боғландик.



– Тошкент шаҳрида охириги икки йил ичида неча туп кўчат экилди?

– Тошкент шаҳрида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумида 1 миллион дарахт экиш режалаштирилиб, амалда 1 млн. 200 минг дондан ортиқ дарахт кўчатлари экилган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йил баҳор мавсумида 602 минг дона манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари экилиши режалаштирилган эди, тасдиқланган манзилли режа-жадвал асосида барча туманларда дарахт ва бута кўчатлари экилиб, режага нисбатан 105 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, жорий йилда Тошкент шаҳри туманлари ва маҳаллаларига бириктирилган 42 та вазирлик ва идоралар томонидан 959,6 минг дона дарахт ва бута кўчатлари экилди.

– Ушбу йиллар давомида экилган дарахтлар ва шаҳар экологиясига зарар етказувчи

қандай қоидабузарликлар аниқланди?

– Қоидабузарликлар афсуски, кўп учрайди. Ўтган йил мобайнида 2123 та экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик ҳолатлари аниқланди. Бунда, 10 та мансабдор ва 2115 нафар жисмоний шахсга жами 1,268 млрд. сўм миқдорида маъмурий чоралар кўрилди. Соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, 1486 та чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаш, 274 та ўсимлик дунёсига зарар етказиш, 298 та атмосфера ҳавосини, 65 та сув ресурсларини ифлослантириш ҳолатлари аниқланган. Шунингдек, ўсимлик дунёсига 13 та ҳолатда катта миқдорда зарар етказилганлиги учун тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 198-моддаси билан жиноий иш кўзга тутиш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилди. Ҳисобланган умумий зарар суммаси 3 млрд. 372 млн. сўмни ташкил этди.

– Хиёбон ва сайилгоҳларда қандай экологик ислохотлар амалга оширилди?

– Пойтахтимиздаги нафақат хиёбон ва сайилгоҳлар, балки бозорлар ва савдо комплексларида чиқинди қутилари ва чиқинди контейнерлари ўрнатилди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 67 та деҳқон ва буюм бозорлари ҳамда йирик савдо комплексларига 1398 та чиқинди қутилари 8 та чиқинди контейнерлари, 22 та яшил хиёбонлар, боғлар, кўнгилоҳар боғларга 460 та, 213 та кўчаларда автомобиль йўллари бўйлаб 4331 та, 701 та ижтимоий соҳа объектларида 2912 та чиқинди қутилари ва 38 та контейнерлари етишмаслиги аниқланиб, юқоридаги қарор талабларига биноан чиқинди қутилари ва контейнерлар ўрнатилиши юзасидан тегишли соҳа маъмуриятларига мажбурий кўрсатмалар берилган ва назоратга олинган.

– Пойтахтимизнинг қайси туманлари кўпроқ кўкаламзорлаштиришга муҳтож?

– Асосан, пойтахтнинг чекка туманларида кўкаламзорлаштириш керак бўлган бўш ҳудудлар кўпроқ. Жумладан, “Замин” фонди томонидан Бектемир тумани “Мажнунтол” маҳалласи ҳудудида 2 гектар бўш майдонда 1000 дона мевали “Янгиҳаёт” маҳалласи 0,5 гектар майдонда 70 дона олма кўчати, “Йик ота” маҳалласи 1,2 гектар майдонда 850 дона мевали, “Олтинтопган” маҳалласи 0,8 гектар майдонда 700 дона мевали, “Иқбол” маҳалласи 0,03 гектар майдонда 200 дона мевали дарахт кўчатлари экилиб, боғ яратилган. Шунингдек, “Замин” фонди томонидан Бектемир тумани Билал Нозим кўчасида 1,6 гектар майдонда сунъий суғориш тизимлари ўрнатилиб, умумий 1410 дона акация, элдор қарағайи, қайрағоч, хилокатальпа, багрянник, япон сафораси, клён дарахт кўчатлари ҳамда 465 дона бута кўчатлари, Юнусобод тумани Янги Юнусобод кўчасининг 1,9 гектар ўрта яшил қисмида 950 дона акация дарахт кўчатлари, Сергели тумани “Ўзгариш” ва “Қурувчилар” МФЙлари Хонабод кўчасида 4,5 га ер майдонида 2740 дона ҳар хил турдаги кўчатлар экилиб, яшил майдонлар барпо этилди. Бироқ, умуммиллий

лойиҳа доирасида экилган дарахтлар хатловдан ўтказилганида бир қатор камчилик ва хатоларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, ҳар хил турдаги манзарали ва мевали дарахт кўчатларнинг 246 минг донаси суғориш тизими мавжуд бўлмаган ҳудудларга экилган. Туманлар кесимида оладиган бўлсак, Бектемир туманига – 12795 дона, Мирзо Улуғбек туманига – 17951 дона, Миробод туманига – 15633 дона, Олмазор туманига – 6413 дона, Сергели туманига – 10220 дона, Учтепа туманига – 19536 дона, Чилонзор туманига – 3298 дона, Шайхонтоҳур туманига – 65731 дона, Юнусобод туманига – 21303 дона, Яққасарой туманига – 29390 дона, Янгиҳаёт туманига – 14058 дона, Яшнобод туманига – 29678 дона кўчат экилган. 53,7 минг дона дарахт кўчатлари вақтида суғорилмаганлиги сабабли қуриш ҳолатига келиб қолганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича масъулларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 1 қисми билан 41 та маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, 77,1 млн. сўм миқдорида жарима қўлланилган. Мазкур ҳолатларни инобатга олиб, экилган дарахт ва бута кўчатларини суғориш ва парвариш қилиш мақсадида 4088 та ташкилот ва корхоналарга мажбурий кўрсатма хатлари юборилган.

– Фармондан сўнг экилган дарахтлар қуриб қолмайдими? Уларнинг парвариши аввалгиларига қараганда қай даражада фарқ қилади?

– Аввало экилаётган дарахтлар имкон қадар суғориладиган ерларга экилади. Суғорилмайдиган майдонларда сунъий суғориш тизимлари жорий қилинади. Иқлим ўзгаришларига мос кўчатлар экилиб, хориж тажрибасидан ўрнак олган ҳолда суғоришнинг замонавий тизимлари йўлга қўйилади.

Кўриб турганимиздек пойтахт ҳудудини яшиллаштириш мақсадида йилига миллиардлаб маблағлар ажратилмоқда ва миллионлаб кўчатлар экилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар самараси баъзи ҳудудларда ўз аксини топган ва пойтахтнинг яшиллик даражаси ортган. Бироқ, юқорида санаб ўтганимиздек миллионлаб дарахтлар эътиборсизлик туфайли қуриб қолган. Президентимиз ҳам бу борада масъулларга ўз эътирозини билдириб, ўз ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш, аҳолига қулай яшаш ва тоза ҳаво муҳитини яратиш эндиликда ҳокимларнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлишини таъкидлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги берган маълумотга кўра, эндиликда ҳар бир дарахтга паспорт берилади ва 2030 йилгача Тошкентнинг яшил майдонлари 5000 га етказилади. Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2024 йилда ҳозирда мавжуд 900 га қўшимча 300 га кўкаламзор ҳудуд ташкил этилиб, яшил майдонлар 1100 гектарга, 2025 йилга 1400, 2026 йилда 1900, 2027 йилга 2500, 2028 йилда 3200, 2029 йилда 4000 гектарга етказилади.

Президент фармони амалга ошгандан сўнг, пойтахт кўриниши тубдан ўзгаради. Кўплаб хиёбон ва сайилгоҳлар барпо қилиниб шаҳар аҳолиси қулай турмуш тарзига эга бўлади. Фармон шаҳарнинг нафақат марказий туманлари, балки чекка ҳудудларини ҳам қамраб олган.

Режалаштирилган ишлар амалга ошгандан сўнг бу мавзуга яна қайтамиз ва фармонга қадар амалга оширилган ишлар, шаҳарнинг аввалги ва фармон ижросидан кейинги ҳолатини яна бир бор солиштирамиз.

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади



Устози ширин

Ўткир ака билан 1987 йилда танишганмиз. Унгача эса, адабнинг асарларини деярли ёд билардим. Ёзги таътил вақтида журналистика факультети талабаларини амалиётга юбориш анъанаси бор эди. Ўша йили факультетимиз деканати мени шу журналга юборишни маъқул кўрди.

Бунинг сабаби – менинг бир қанча машқларим журналда босилгани эди. Ҳозир ўйлаб қоламан: агар ўша маҳалда “Шарқ юлдузи” мендай бир талабанинг хом-хатала машқларини чоп этмаганида, ҳеч нима бўлмас эди, чунки журналда таниқли адабларнинг энг сара асарлари нашр қилинарди. Менинг ёзганларим эса, адабиёт моҳиятини ҳали тузук-қуруқ тушуниб етмаган бўз бир йигитчанинг ҳаваскорлик машқлари эди-да.

Хуллас, шаҳар марказидаги ўн олти қаватли бинонинг ўн иккинчи қаватига чиқиб, нима қилишимни билмай довдираб қолганман. Таниқли адаб Ўткир Ҳошимов бош муҳаррир бўлган бу журналда мамлакатнинг энг кўзга кўринган адаблари ишлашар эди. Журнал масъул котибига йўлланганидан сўнг, мени наср бўлимига тайинлашди. Шу бўлимда муҳаррирлар Асад Асиллов, Турсунбой Иброҳимов, таниқли ёзувчи Муроджон Мансуровдан, наср бўлими бошлиғи Омон Мухтордан қўлёзмаларни чалакам-чатти таҳрир қилиб, нашрга тайёрлашни ўрганиб юрганман. Омадим келди деб ўйлаганман.

1990 йилда журналда “Муножот” номли қиссам босилиб чиқди. Шундан сўнг бир куни масъул котиб Носир Фозилов ҳузурига чақириб, корректура бўлимида бир ўрин бўшаётганини, ишлашга хоҳишим бор-йўқлигини сўради. Ким ҳам йўқ дерди? Шу тариқа журналга мусахҳих бўлиб ишга кирганман. “Шарқ

юлдузи”нинг 1990-1992 йилдаги сонларини кўздан кечирган киши журналнинг сўнгги саҳифасида менинг ҳам исм-шарифимни кўради.

Агар амалиёт вақтида Ўткир аканинг салобати босиб, фақатгина салом бериб юрган бўлсам, иш жараёнида улкан адаб билан қарийб беш йил давомида ёнма-ён ишлаш насиб қилди.

Ўткир ака оғир-босиқ, инсонлар кўнглига қарайдиган киши эди. Йиғилишларда ҳам қаттиқ гапирганини эслолмайман. Юмшоқ муомиласи туфайли катта авлод, яъни ўзи тенгқур зиёли дўстлари у кишини “Устози ширин” деб аташарди. Ўткир ака “Шарқ юлдузи”нинг ҳар бир сонини синчковлик билан кўздан кечирарди, энг кичик мақола ёки лавҳагача ўқиб чиқарди, журнал қизиқарли бўлиши учун барчанинг фикрини эшитарди. Йўқса, вақти жуда кам бўларди: бот-бот ҳукумат йиғинларига, турли ташкилотларга чақириб кетишарди.

Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” китобининг ёзилишига бутун таҳририят гувоҳ бўлганмиз. Асарни машинкачи аёлларга берганида, унинг ҳар бобини муштоқлик билан ўқирдик, асар уч ойда ёзилган бўлса, яна шунча вақт ичида босилиб чиқди.

1995 йилда Ўткир ака Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси вазифасига тайинланди, таҳририятга камроқ кела бошлади. Қолгани эса маълум: журнал йилмай-йил таназзулга юз тутта борди.

Мен “Шарқ юлдузи”да 1995 йилгача ишладим. Ўша йилларнинг сарсонликлари, жамиятдаги парокандаликлар ҳаммани ҳар ёққа тўзғитиб юборди. Ўткир Ҳошимов эса юксак даргоҳда то 2004 йилга

қадар ишлади, бир қанча қонунларнинг яратилишига ва қабул қилинишига катта ҳисса қўшди.

2011 йилда устозимиз, профессор Абдуғафур Расулов ўз хонадонига таклиф қилди. Катта йиғин бўлаётган экан. Абдуғафур Расулов Ўткир ака билан болаликдан дўст эканини билардим. Устознинг хонадонига Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Худойберди Тўхтабоев каби улкан адаб ва олимлар меҳмон бўлиб келишган экан. Фурсати келиб, устоз Абдуғафур ака менга сўз берганида икки оғиз таърифлаб ҳам ўтди. Шунда Ўткир ака кулимсираб:

– Биламиз, биламиз, Исажоннинг қиссасини “Шарқ юлдузи”да босганмиз, – деб, таърифга сўз қўшди.

Мен шунда устознинг хотирасига, фазилатли инсон эканига яна бир бор амин бўлдим. Ўткир ака бемалол “Ҳа, бир пайтлар менинг қўл остимда ишлаган ходим-да” десаям бўларди. Давра маҳобатли бўлгани учун, менинг ходимдан ҳам кўра кўпроқ ижодкор сифатида танишини нозик қилиб таъкидлаб қўйдилар.

Устоз оиласига келсак, ўғли Фаррух Ҳошимов билан дўстман, ардоқли адаб тарбиясини олган бу йигитнинг худди отаси каби камтар, камсуқум, билимли инсон эканига гувоҳман.

Адабиётимиз олдида Ўткир Ҳошимовнинг хизматлари жуда катта. У кишининг асарлари барчага ёд бўлиб кетган, шунингдек, телевидениеда олиб борган кўрсатувлари эл орасида жуда машҳур бўлган. Ушбу хотиралар Ўткир Ҳошимовнинг ижодкор сифатидаги сиймосидан ҳам кўра, инсоний фазилатлари ҳақидаги ёддовларга бир шингил бўлиб қўшилса ажабмас.

Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 24 СЕНТЯБРЬ, 1986 ЙИЛ

ҲАМИША БАҲОР

ЕН ДАФТАРДАН

Атрофда одамлар бор

Автобуснинг сигнал чироқлари зулмат кўйида папирос чўғидай лип этиб бир кўриндию, сўнди. Икки четда қатор-қатор тераклар шовуллаб турган йўл устида ҳамроҳим иккалаимиз қолдик. Хавода алланечук ўткир бир ис — жийда гулига ўхшаш ҳнд гуркирайди. Узоқлашиб кетаётган машинанинг мотор товуши сўнди-ю, сукунат яна да чуқурлашди. Яқин атрофда бирон-бир чироқ, жон зоти кўринмайди. Нотаниш ер, нотаниш осмон ҳам сирли, ҳам ваҳималироқ туюлади кишига. Узоқ-яқинда итлар хурияди. Чамаси, қишлоқ аллақачон ухлаб қолган.

Асфальт кўчадан юриб борамиз. Қадам товушлари сукунат кўйида баланд жаранглайди.

— Йўқ, адашганим йўқ, Арпачи қишлоғи худди шу бўлиши керак,— дўстим менга ҳам, ўзига ҳам далда бериш учун бўлса керак, атайлаб қаттиқ-қаттиқ гапирди.— Шу атрофда клуб бор эди.

Дунёда нима кўп, қишлоқ кўп. Ҳамроҳим бу ерга ўн йилча аввал-мактабда ўқиб юрган дадаси билан бир марта келган. Балки адашган дир... Барибир эмасми, Узбек қишлоғими, қирғиз овулими? Бу ер Қирғизистонга қарайди. Ишқилиб қайсидир бир қишлоқдамиз. Демак атрофда одамлар бор. Одамлар... Бир нафас бўлсин Ёлғиз эканлигининг хис этганингизда шунчалик қадрдон, шунчалик илиқ туюладики бу сўз...

Йўл четидаги теракларнинг япроқлари бирдан ловиллаб кетади. Чўққи бошига юм-юмалоқ тўлин ой тирмашиб чиқади. Ой атрофдаги юлдузлар бир нафас хиралашиб қолгандай бўлади.

Ажиб манзарал! Кўпдан бери мана шу ойни, мана шу йирик-йирик юлдузларни «табиий ҳолда» чироқлар ҳалақит бермаган ҳолда кўришни орзу қилардим...

Қарши томондан оёқ товуши эшитилади. Йўл ўртасида ёнма-ён юриб келаётган икки кишининг гавдаси ой ёруғида хирагина кўринади. Ана, улардан бири гугурт чақди, иккинчиси энгашиб папирос тутатиб олди.

Юзма-юз келишимиз билан ҳамроҳим сўрайди.

— Арпачи қишлоғи шуми?

— Ким керак эди?— дейди йўғон бир овоз. Сарғиш сочлари хурпайган гавдали йигит таниб олмакчи бўлгандай олингга эгилди.

— Мироб Миродир аканинг кўраси қаерда?

— Ой-бўй! Анча бериде тушибсизлар-ку,— иккинчи йигитнинг қирғиз эканлиги гапидан дарров сезилди.— Энвер, машинанинг гаражга қўйиб келганимиз— дейди у дўстига қараб...

— Аксига юради-да, ўзи!— Энвер афсусланиб бош чайқайди. Бир лаҳза ўйланиб туради-да, дўстини туртади. — Қани кетдик! Тентаккой бўйида турадиган чолнинг меҳмонлари экан.

— Ҳа-ҳа, худди ўша!— дейди ҳамроҳим қувониб.

Тўртволон секин-секин юриб кетамиз. Йигитлар Тошкентдан келганимизни эшитиб, саволга кўмиб ташлашади.

— Шаҳар вайрон бўлиб кетмадимми?

— Одамлар-чи?

— Невсий театр йиқилмадимми?

— Меҳмонхона ёрилиб кетибди, ростми?

Бир оздан кейин уларнинг ҳаяжони босилади.

— Одамлар ҳам ваҳима қилиб юборишди-е!— Энвер қувончини яширолмади.— Мен Тошкентда бир ярим йил ишлаганман. Кўйлик қорьерида самовалда шағал ташиганман... Юраги ачийди-да кишининг!

Қизик, чорак соат аввал бу йигитларни — врач Қувинши ҳам, шофёр Энверни ҳам танимасдик. Аллақандай қудратли бир куч зум ўтмай дўстлаштириб қўйди. Бу куч инсоний оқибат кучи бўлса керак...



Орзу билан тирик...

Забардаст гавдаси йиллар юкидан бир оз эгилган сийрак соқолли чол ҳамроҳимнинг елкасига қоқиб, ҳадеб бир гапни қайтарди.

— Оббо жияней! Зап келибсизларда! Зап иш бўпти-да...

ЎТИР ҲОШИМОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет 6 ДЕКАБРЬ, 1986 Й.

Тўртинчи автопарк раҳбарлари диққатига!

„ИНИГА КИРГАН“ АВТОБУСЛАР

1 декабрь кеч соат 9 лар эди. Марказий универмаг ёнидаги автобус бекати гавжум. Одамлар асабийлик билан у ёқдан-бу ёққа юришар эди. Бетоқат бўлиб бир-бирларидан сўраб қўйишади: — 24-анчадан бери йўқми?

— Қуриб кетсин, — дейди кекса аёл зорланиб. — Сал кам бир соатдан бери кутаман! Қатнамаётган бўлса бир йўла машина йўқ деб қўйиша қолмайди-ми, нима қилади одамни овора қилиб?

— Нимасини айта-

сиз, бир ойчадан бери шу азоб. Ишдан ҳориб чарчаб чиқасиз, бир соатлаб машина кутасиз. Тагин йўлни бузиб ташлаганини айтмайсизми? Ҳар куни уч-тўрт чақирим пиёда юриш керак.

Йўловчиларнинг шикояти ўринлими? Шубҳасиз!

Энди қишлоқ-қировлик кунлар бошланганида 16-касалхонадан тортиб, Дўмбрабодгача бўлган тўрт чақирим асфальтни кўчириб, газ қувури ётқизиш ишлари бошланди. Қувур албатта кўчанинг

ўртасидан ўтиши керак! Экскаватор силлиқ жойни бузиши керак. Акс ҳолда занжирлари ишга яроқсиз бўлиб қолади! Бўлса бордир! Лекин нега энди автобусни камайтириб қўйишди?

Дўмбрабод бекатидаги диспетчер бу саволга кўйиб-ёниб жавоб беради:

— Ўн кунчадан бери автобус қатнови бутунлай бузилиб кетди. Мана бугунги аҳволни кўринг. 24-маршрутда еттита, 6-маршрутда ҳам еттита автобус бор. Кеч соат еттигача



ишлаб, шофёрлар жўнаб қолишди. Ҳар иккала маршрутда ҳам атиги биттадан навбатчи машина қолди.

Нима бўляпти ўзи? Йўл бузилгандан кейин қатновчиларнинг узоқ масофага пиёда юришга мажбур бўлгани етмагандай, айни кишилар ишдан қайтиш чоғида автобусларнинг инига кириб кетиши қолдими энди?

Ҳозир кўпгина маршрутлар қатнови бузилмоқда. Айниқса 24-ва 6-автобуслар қатнови чидаб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолди. Дўмбрабодда кўп профилли 16-шаҳар касалхонаси, интернат-мактаб ва бош-

қа муассасалар бор. Тошкент тўқимачилик комбинати, гўшт комбинати, тўқимачилик машинасозлиги, трактор йиғув, нон заводларининг, 2-пойафзал фабрикаларининг мингларча ишчилари шу ерда яшайдилар. Фақат битта одам — 4-автопарк директори Леонид Константинович Розенгурд бу ерда яшамайди. Акс ҳолда у туманли кечаларда 3-4 марта соатлаб автобус кутишга мажбур бўлганида, асаби бузилганида эди, ҳайдовчиларнинг тартибли ишлашини таъминлашга бош қўшарди.

Ҳ. ҲОШИМОВ.

САЙЛОВЧИЛАР ҲАЁТИ ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИГА “КЎЗГҮ”

“Албатта, олдимишга аниқ мақсадларни белгилаб олганмиз, камчилигимиз ҳам етарли, халқнинг вакили сифатида халқимиз олдидаги, аввало, виждонимиз олдидаги ишончни оқлаймиз”.

Жамолиддин МЕЛИБОЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши
12-Яланғоч сайлов округи депутати

– Бугунги кун депутати қандай бўлиши керак?

– Бугун кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, умуман, ўзини шу жамиятнинг фаол аъзосиман, деб ҳисоблаётган ҳар бир фуқаронинг муҳокамасидаги асосий мавзулардан бири сиёсий партиялар ва депутатларнинг фаоллиги бўлмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг масъул вакили ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати сифатида айтишим зарурки, иш услубимизни ўзгартиришимиз, шиддаткор замонга мослашимиз, сайловчилар, электорат ишончини оқлашимиз керак. Зотан, Президентимизнинг барча даражада олиб бораётган ислохотлари ва ҳар бир соҳа вакиллари билан ўтказаетган жонли мулоқотида фаолиятимизда туб бурилиш ясаш талаб этилмоқда. Бу жараёнда, аввало, партиямиз сайловолди дастурида назарда тутилган тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш ҳамда сайловчиларимиз манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида уларни қийнаб келаётган масалалар ўз ечимини топмагунча курашимиз керак бўлади.

– Депутатлик фаолиятингиз давомида аҳолини қийнаётган қандай муаммоларга ечим топдингиз?

– Депутатлик фаолияти доирасида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, инсон қадрини юксалтириш, сайловолди дастурлар ҳамда иш режаларнинг ижросини таъминлаш, юртимизни янада обод қилиш мақсадида 12-Яланғоч сайлов округи сайловчилари билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 23 марта сайловчилар билан учрашувлар ташкил этдик. Ушбу учрашувлар давомида фуқаролар томонидан қилинган мурожаатларнинг ижобий ечим топиш чораларини кўрдик.

Жумладан, учрашувларда тушган мурожаатларга асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Шаҳриобод” маҳалла фуқаро йиғинида яшовчи 8 нафар фуқаронинг оилавий шароитлари маҳалла ходимлари билан биргаликда ўрганилиб, унга туман маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдамлар берилиши юзасидан тавсиялар берилди. “Нодирабегим”, “Шаҳриобод”, “Катта Яланғоч ота” ва “Баҳор” маҳаллаларида яшовчи 21 нафар фуқаронинг қилган мурожаати юзасидан ўрганишлар олиб борилиб, уларга бепул даволаниш ордери олиб берилди. Сайлов округида жойлашган умумфойдаланувдаги ҳамда ички кўчалардаги қарийб 3 километр ички йўллар қайта таъмирланди. Сайлов округида депутатлик ташаббуси билан 60x20 ўлчамда янги замонавий болалар майдончаси ҳамда 40x20 ўлчамда замонавий мини-футбол майдончаси қуриб битказилди.

Шу билан биргаликда депутатлик ташаббуси билан Мирзо Улуғбек туманидаги жойлашган сайлов округи ҳудудида бўлган 7-сонли оилавий поликлиникага қиймати 900 миллион сўм бўлган замонавий “РАҚАМЛИ РЕНТГЕН” аппарати ўрнатилди. Сайлов округи ҳудуди

инфратузилмасини яхшилаш учун қарийб 6 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳ у д у д и м д а г и маҳаллаларда “Темир дафтар”га киритилган ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволдаги 5 нафар кам таъминланган фуқарога маиший техника ускуналари берилиши юзасидан тавсиялар берилди.

Сайлов округида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларни бугунги кундаги яшаш тарзи атрофлича ўрганилиб, “Темир дафтар”га киритиш юзасидан зарурий тавсиялар берилди.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ёшлар томонидан кўтарилган таклиф ва ташаббуслар, муаммо ҳамда масалалар ечими юзасидан 2023 йил давомида 6 марта “Депутат ва ёшлар” учрашувлари ўтказилди.

Ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволдаги бир нафар ёшга ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 5 нафар талабага контракт тўлови учун пул маблағлари ажратишда амалий ёрдамлар берилди.

Ўтган давр мобайнида 12-Яланғоч сайлов округида жойлашган маҳаллаларда яшовчи фуқаролар томонидан 22 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 14 таси ёзма мурожаатлар ҳамда 8 таси оғзаки мурожаатларни ташкил қилади.

– Сизга келиб тушадиган мурожаатлар асосан қандай масалаларда бўлади?

– Мурожаатларнинг асосий қисмини сайлов округи инфратузилмасини яхшилаш, уй-жой олиш, ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволдаги аҳоли қатламига моддий ёрдамлар беришни ташкил қилади.

Келиб тушган мурожаатларнинг 6 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган, 11 та мурожаат бевосита ижобий ечим топган, 5 та мурожаат юзасидан масъул ташкилотларга ваколат доирасида депутатлик сўровлари юборилиб, назоратга олинган ҳолда ижроси таъминланган.

Бундан ташқари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг тегишли доимий Комиссияси билан ҳамкорликда, “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорининг ижроси бўйича

масъулларнинг ҳисоботлари тингланиб, зарур тавсиялар бериб борилмоқда.

– Хулоса ўрнида фикрларингиз...

– Биз бу орқали катта натижаларга эришдик, деган фикрдан йироқмиз. Муҳими, вакиллик институтининг асосий вазифаси ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиш эканлигини депутатларимиз ҳис қилмоқда. Натижада бугун шаҳар ва туман Кенгашларидаги вакилларимиз фаолиятида ҳам жонланиш кузатилмоқда. Таҳлилларда, депутатлар партия гуруҳлари айнан Президент қарор ва фармонлари ижросига алоҳида ургу берганини кўриш мумкин. Негаки, мазкур ҳужжатларда биринчидан, жамиятдаги энг долзарб, тезкор ҳал этилиши зарур бўлган масалалар кўтарилган. Иккинчидан, ижроси муҳокама этилган, назоратга олинган қарор ва фармонлар айнан халқимиз манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани билан аҳамиятли. Шу маънода, депутатлик гуруҳларимизнинг ўрганишлари, қарор ва фармонлар ижроси бўйича олиб борадиган назорат ишлари фақат одамларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, аҳолининг ҳаётдан, жамиятдан рози бўлиб яшашини таъминлашга хизмат қилади.

Депутатларимиз сессияларда партия дастурий мақсадларидан, электорат ва сайловчилар манфаатларидан келиб чиқиб, қолаверса, ҳудудлардаги тегишли ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ҳокимликлар олдида аниқ таклифлар ва масалаларни қўйишлари лозим.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА



“ОЛОЙ” ДЕХҶОН БОЗОРИ



Юртимизда шукурки бозорлар кўп. Турли-туман мева дейсизми, озиқ-овқат дейсизми барчасини топиш мушкул иш эмас. Фақат шу исрофгарчилик бўлмаса бўлгани. Ҳар бир бозорнинг ўзига яраша Низоми ва тартиб-қоидалари бор. Лекин бозор маъмурияти томонидан белгиланган тартиб-қоидага кимдир амал қилса, яна кимдир ўз билганича иш тутлади. Яъни қайсидир сотувчи ўзига белгиланган ҳудуддан чиқмаган ҳолда, ўз маҳсулотларини тартиб билан тахлаб, атрофини тоза-озода тутса, бошқа бир сотувчи бир қарич бўлса ҳам ёнидаги сотувчидан олдинга чиқариб олади. Гўё олдинроққа чиқариб олса кўпроқ харидор келадигандек.

Аслида бундай ҳолат харидорларга халақит қилишини инобатга олмайди. Бугунги бошлаган сафаримиз пойтахтимизнинг марказида жойлашган “Олой” деҳқон бозорига бўлди. Юқорида таъкидлаган ноодатий ҳолатларни бошқа бозорларда бўлгани каби бу ерда ҳам учратиш мумкин.

Келинг, бозор ичидаги ҳолатларни гапиришдан олдин унинг тарихи ва фаолиятига тўхталсак. Тарихдан маълумки, 1936 йилларда Тошкент шаҳрининг “Қашқар” маҳалласида асосан рус миллати яшаб келган. Улар ўзлари уйда етиштирган “Алоз” тувак кўчатларини олиб чиқиб бўш майдонда савдо қилган. Аста-секин ушбу майдондаги сотувчилар, харидорлар кўпайгач, маҳаллий бошқарув органлар томонидан шу ерга бозор қуриш тўғрисида қарор чиқарилади ва унинг номини “Олой бозори” деб номлайди. Шундай қилиб, “Алоз”нинг шевага мослашиб кетиши натижасида “Олой” номи келиб чиққан экан.

Ҳозирги кунда бозорнинг ҳудуди 7,8 гектар жойга эга бўлиб, 1200 та умумий савдо жойлари мавжуд. Шундан 1142 та жой деҳқон ҳамда тадбиркорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ажратилган бўлса, гўшт маҳсулотлари учун 58 та жой ажратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозордаги савдо расталарнинг жойлашиши харидорлар талаблари ва бозорга ташриф буюрган меҳмонлар, сотувчи ва харидорлар учун қўлайликларни максимал эътиборга

олган ҳолда бугунги замон талабларига мувофиқ қурилган. Савдо расталарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жойлашувини режалаштиришда маҳсулот сигментациясига алоҳида эътибор берилган. Бозорда савдога қўйилган барча қишлоқ хўжалиги ва гўшт маҳсулотларини текшириш учун ветлаборатория хизмати йўлга қўйилган.

Шунингдек, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари учун арзон ҳамда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида “Олой деҳқон бозори” ОАЖ қошида “Элга хизмат” арзонлаштирилган савдо ярмаркаси ҳам ташкил қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Аҳолига қўлай тарафи шундаки, ярмаркада арзонлаштирилган маҳсулотлар, яъни давлат томонидан белгиланган нархдан ошмаган ҳолда савдо бўлади. Лекин маҳсулотнинг сифатига келсак, анча фарқ қилади. Бу нафақат “Олой” бозорида, бошқа бозорлардаги арзонлаштирилган савдо ярмаркаларининг айримларида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳар бир бозорнинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлар ва харидорларга хос равишда тартиб-қоида бўлгани каби “Олой” деҳқон бозорининг ҳам ўз қоидаси мавжуд. Ушбу бозорда ҳам кимдир қоидага риоя қилса, бошқа бири маҳсулотларини ўз билганича жойлаб олгани етмагандек, харидорлар юрадиган йўлакнинг ўртасига стулини жойлаштириб, ўтган кетганга гап ташлаб ўтирибди. Бу ҳолат ўзига билинмасдир балким, лекин ташқаридан кузатган кишига жуда хунук кўринади. Тўғрисида, бозорга тушган одам кимнингдир гапини эшитиш учун эмас, бирор зарурият юзасидан тушади. Ҳа майли, ҳар кимни ёмон кўзлардан ва ёмон сўзлардан ўзи асрасин дедикда, бозор расталарида кўзни қувонтирадиган қилиб, меваларни тахлаб чиққанки, бехосдан ёнига бориб, харид қилмасангда томоша қилгинг келади. Маҳсулотларнинг нархлари ҳам ўзига хос ва жойлашув жойига мосдир...

Яна шуни айтиш керакки, бозор ҳудудида “Олой ош маркази” ва “Наврўз” миллий таомлари ҳам мавжуд. Таомларининг мазасини билмадим-ку, аммо

атрофини тоза-озодалиги ўрнатилса бўлса арзирли. Чунки бозор атрофида ёки ҳудудидаги ошхоналарни кўпини кўрганман. У ерда таом тановул қилиш у ёқда турсин, ёнидан ўтишга одам ирганадиган ҳолатда бўлади. Юқорида номлари зикр этилган ошхоналарнинг атрофи эса покиза тутилган.

Шунингдек, шундоқ бозорнинг ҳудудида “Корзинка” супермаркети ҳам жойлашган. Шунинг учун бўлса керак, бозордаги нарх-наволар унчалик қиммат эмас. Чунки рақобат бўлиши табиийда. Тўғри шаҳардаги бошқа бозорлардагидан фарқ қилади, аммо маҳсулотнинг сифати ҳам шунга яраша эканлигини унутмаслигимиз керак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, авваллари нимадир харид қилмоқчи бўлсак олмоқчи бўлган маҳсулотнинг тийинларигача ёзиб кўярди ва шу тийинларигача тўлар эдик. Чунки муомилада тийин ҳам бор эди-да!

“Корзинка” супермаркетидаги маҳсулотларга қўйилган нарх-наволарга тушунмадим-да. Бирор-бир маҳсулотни сотиб олмоқчиман, унинг пештахтига ёзилган нархда мисол учун 9 990 сўм деб нархлаб қўйган. Бу нафақат “Корзинка” супермаркетида бошқа супермаркетларда ҳам кузатиш мумкин. Шунда шу супермаркетларнинг раҳбарияти 10 сўмлик купюралар муомиладан аллақачон чиқиб кетганини билмайдими ёки бу ерда мен тушунмаган бошқа бир иқтисодий услуб борми?

Дарвоқе, гап ўзимизнинг миллий валютаимиз ҳақида кетар экан йўл-йўлакай бозордан чиқиб кетаётсам бир нечтаси қўлини айлантириб, имо-ишоралар билан “доллар оламинг алмаштирасизми?” дейди. Мен уларга жавобан “ўзимизнинг миллий сўмимиздан қўймайсин” деб ўтиб кетдим. Ҳозир ҳам шунчалик очиқ-ойдин ўзга мамлакат валютасини айирбошласа бўлаверар эканда... Банкларимиз ишламаяптимикин ёки? Бу энди алоҳида мавзу!

Хуллас Зийрак бобоингизнинг бу галги саёҳати ҳам ниҳоясига етиб қолди. Юқорида ёзилганлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда муаммоларни ўз вақтида бартараф этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Зийрак БОБО

